

МУҲАРРИР МИНБАРИ



Журналимизнинг навбатдаги сонини тақдим қилишдан мамнунмиз. Олимларимизнинг лингводидактика, чет тилларни ўқитиш методикаси ва бошқа гуманитар йўналишлардаги илмий изланишларига бу сонда ҳам кенг ўрин берилган.

Хорижий мамлакатлардан икки ҳамкасбимиз ҳам ушбу сонда иштирок этишди. Улардан бири Ребекка Мартин Ўзбекистонда бир муддат олиб борган фаолияти давомида ўтказган дарс машғулотлари тўғрисидаги илиқ хотиралари ҳамда бир қанча хорижий давлатлардаги иш тажрибаси билан ўртоқлашади. Иккинчи мақола муаллифи Россия давлат гуманитар университетидан Индира Газиева эса кино таржима муаммолари, хусусан, рус тилидаги хужжатли фильмларнинг ҳинд тилига таржимаси масалалари ҳақида ёзади. Ўйлаймизки, Чет тиллар бўйича инновацион методларни ривожлантириши Республика илмий-амалий маркази директори Улугбек Азизовнинг когнитив тилишунослик йўналишидаги тадқиқотлари эътиборингизни тортади. Муаллиф қизиқарли манбалардан – америкалик ва британиялик ҳамкасблари изланишларидан фойдаланади, ўзимизда мавжуд материалларни ўрганади ва фикримизча, танқидий таҳлилларини баён қилади.

Агар мана шу мақола когнитив тилишунослик масалалари ва унинг чет тилларни ўқитишга таъсири борасида жамоатчиликда илмий баҳс-мунозарани уйғотса, бундан жуда мамнун бўлар эдик.

Шунингдек, ҳамкасб журналистларимизнинг Хитой Халқ Республикасига саёҳати натижасида Terra incognita рукнида тайёрланган мақолалар сиз учун қизиқ бўлишига умид қиламиз.

Мазкур сондан бошлаб касбий фаолиятимизга яқин турдош наирлар илмий мақолаларига шарҳ бера бошладик. Бизнингча, бу ҳам сизнинг педагогик ва илмий фаолиятингиз учун фойдали бўлади.

Яна бир эътиборингизни қаратмоқчи бўлган жиҳат, ҳозирда журнал икки хил: китоб ва сайт кўринишида эълон қилинмоқда. Мақолаларнинг сайт кўринишидаги вариантыда мақола остида изоҳ ва фикр-мулоҳазаларни қолдириши, муаллифларга савол бериши имконияти мавжуд.

Хурматли ўқувчиларимиз, наиримизнинг интерактивлигини таъминлашда ҳисса қўшсангиз, миннатдор бўлар эдик.

Ёқимли ва фойдали мутолаа тилаймиз!

*Бош муҳаррир
Гулмира Шукурова*